



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 30 май, № 114 (7616)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлди.



Президентимиз дастлаб Зангиота туманида барпо этилаётган кўп тармоқли махсус шифохона қурилиши билан танишди.

Коронавирус пандемияси бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига катта хавф туғдирмоқда. Мамлакатимизда ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар, халқимизнинг чўқур тушуниши ва сабр-тоқати билан бу офат жиловланиб, оммавий ёйилиб кетишнинг олди олинган. Қўсқа фурсатларда даволаш-профилактика муассасалари ва карантин зоналари қурилгани бунда муҳим омил бўлди.

Зангиота туманидаги махсус шифохона лойиҳасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектарда 2 та комплекс қурилмоқда. Бунда юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари инобатга олинган.

Хусусан, стационар жойларнинг ҳаммаси боксланган, ҳар бир хона автоном. Биридаги ҳаво бошқасига ўтмайди. Уларга кириб-чиқиш ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида. Касаллар келгач, қабул бўлимидан тамбур орқали тўғридан-тўғри ўз палатасига жойлаштирилади.

Барча корпуслар, бўлинмалар тоза ва нотоза йўллар билан ажратилган. Тоза йўлдан фақат тиббий персонал ўз вазифасини бажариш учун фойдаланади. Шифокорлар ҳаракатланиш чоғида санитар ўтказгичлар орқали ўтади. Бу барчанинг — ташхиси ноаниқ бўлганлар, врачлар ва бошқа хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари касалхонада яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддилар билан суҳбатда ундан оқилона фойдаланиш, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш муҳимлигини таъкидлади.

— Бундай замонавий шифохонани қуриш сермашаққат, ундан самарали фойдаланиш эса ундан ҳам қийин. Шунинг учун бу ерга врач эмас, ташкилотчи одам раҳбар бўлиши керак. Ходимларнинг маоши бонус тизими бўлиши зарур. Натижа яхши бўлса, яхши даромад олишининг, — деди Шавкат Мирзиёев.

Муассаса 2 минг ўринга мўлжалланган. Лекин 4 минг ўрингача трансформация қилиш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбари қабул бўлими, карантин зонаси, лаборатория ва муолажа хоналари, санитар-ювениш жойларини синчиклаб кўздан кечирди.

Видеоолақа орқали Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги шифокорлар билан мулоқот бўлди. Телемедицина бўйича комплекс тизим яратиш, туманлардан вилоят касалхоналарига, ундан республика марказларига боғланиш имкониятини йўлга қўйиш, шу билан бирга, тиббиёт ходимларини бу бўйича ўқитиб, тажриба алмашувни кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

72 ўринли реанимация бўлимида ҳар бир койка ўпканинг сунъий вентилияцияси ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу бўлиминг кардиология, неврология, педиатрия каби тур-

ли йўналишлар бўйича жиҳозлаш ҳам мумкин.

Жарроҳлик залларига ҳаво тепадан берилади ва ён томонлардан сўрилади. Натижада доимий стериллик таъминланади.

Президентимиз мазкур муассасада иш бошлайдиган тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

— Мана шундай янги шифо масканлари қуриб, хусусий тиббиётни ҳам ривожлантириб, рақобатли медицина яратяпмиз. Энди шунга муносиб замонавий врач ва ҳамширалар керак. Ўз устингизда тинимсиз ишлаб, жаҳондаги ютуқларни ўрганиб, халқимизга хизмат қилишингиз лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лабораторияда вирусология, биокимё ва иммунология, микробиология, паразитология бўйича энг илғор аппаратлар ўрнатилган. Масалан, амалдаги полимер занжирли реакция ускунаси 5 соатда ўртача 40 кишига ташхис қўйса, бу ердаги замонавий жиҳозлар 2 соатда 90 та намунани аниқлаш имкониятига эга. Кўрпа-тўшак ва матолар ювилиб, бошқа буюмлар буг ёрдамда дезинфекция қилинади.

Шу ерда вилоят ва республика тиббиёт муассасалари камрови ҳамда ҳамкорлиги ҳақида тақдирот ўтказилди.

— Кўп шифохоналар, диагностика марказлари тарқоқ жойлашган. Ташхис қўйиш ва даволаш сифати талабга жавоб бермайди. Маблағ эса сарфланиб ётмайди. Давлатнинг бир сўми ҳам халқимизга нима манфаат берапти, деган савол ҳар бир ишда мезон бўлиши керак, — деди Президент.

Мазкур шифохона мураккаб эпидемиология вазиятда юқумли касалликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, барча санитария-эпидемиология талабларга жавоб берувчи махсус муассаса бўлиб хизмат қилади. Эпидемиология вазият барқарорлашгандан сўнг келгусида кўп тармоқли тиббиёт клиникаси сифатида фаолият юрताди.

Жумладан, бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида масофавий тиббий куриқлар ва консилиумлар ташкил этилиб, олий ва ўрта махсус тиббий таълим муассасаларининг талаба-ўқувчиларига малака ошириш учун махсус клиник база сифатида хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган 16 қаватли уйни бориб кўрди.

Ташқи кўриниши билан ажралиб турган бу иморат замонавий стандартлар асосида зилзилага бардошли қилиб қурилди. Девоқлариде энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Интернет тармоғи, видеоқўзғатув ва ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланган. Уй 2-3 хонали 80 та хонадондан иборат бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Бу оила 14 йилдан бери ижарада яшаб келаётган эди.

Охириг уч йилда Сергели туманида жами 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари бунёд этилди. Болалар боғчалари, мактаблар, поликлиника ва бошқа объектлар қурилиб, аҳолига муносиб шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Бугун илғор халқро тажриба ва амалиёт ҳар соҳада керак. Айниқса, бу таълим тизимида сув ва ҳаводек зарур, Чунки сифат — энг устувор мезон. Ёш авлод қамолотида эса асло бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди.

Президентимиз раҳбарлигида халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, тизимдаги муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқишга доир ислохотлар айнаи шундай эҳтиёж мақсули.

Қолаверса, янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш ва муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқув-тарбия жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш — давр талаби.

Яқинда Сергели туманининг 5А мавзесида фойдаланишга топширилган 329-умумий ўрта таълим мактаби айнаи шундай мезонлар асосида барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу таълим масканини ҳам бориб кўрди. Маълумки, мазкур туманда кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилиб, аҳоли сонини оқиб бормоқда. 2019 йилда бу ерда тўртта янги мактаб барпо этиш ишлари бошланган эди. Ҳозирги кунда уларнинг иккитаси қуриб битказилди. Янги ўқув даргоҳлари тумандаги болалар ва ўсмирлар ҳамда ота-оналари учун муносиб совага бўлди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил сентябрда беш йил давомида Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилишини айтганида кўпчилик ҳайрон бўлган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йил декабрда бу борадаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирганди.

Бугун бу ерда катта, замонавий мавзе пайдо бўлди. Охириг 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли қўчи келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошган.

Президент Шавкат Мирзиёев шунча одамнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқаруви самарали ташкил этиш мақсадида ушбу ҳудудда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида “Янги ҳаёт” кичик туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Пойтахт аҳолисига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари қўрилмоқда. Биринчи босқичда деҳқон бозорларида 256 та махсус раста ташкил этилди. Иккинчи босқичда мувофиқ, шаҳар бўйлаб 514 маҳаллада 2316 та кўчама савдо ярмаркаси ҳамда 634 турғун савдо дўкони ташкил этилди.

риш, шу билан бирга, 7-синфдан бошлаб касба йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Ўғил-қизлар ҳунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқараш ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларни бартараф этишга маблағ сарфламаслик учун бугун шу маблағни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасақ, келажакка ҳиёнат қилган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мактаб дастурига шахмат сабоқлари киритилган эди. Муסיқа хонаси билан танишувда яна бир шундай тақлиф билдирилди.

— Ҳар бир ўғил-қиз ҳеч бўлмаса битта чоғлу асосбининг чалиши биллишини истардим, — деди давлатимиз раҳбари.

2019 йил 23 августда ўтказилган ййгилишда Президент Шавкат Мирзиёев мактаб таълимини ривожлантириш буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарурлигини таъкидлаган эди. Сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим масканлари қурилди, ўнлаб ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси таълим сифатини кўтарishi, педагоглариинг жамиятдаги обрў-эътиборини кўнатиришга хизмат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил сентябрда беш йил давомида Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилишини айтганида кўпчилик ҳайрон бўлган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йил декабрда бу борадаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирганди.

Бугун бу ерда катта, замонавий мавзе пайдо бўлди. Охириг 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли қўчи келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошган.

Президент Шавкат Мирзиёев шунча одамнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқаруви самарали ташкил этиш мақсадида ушбу ҳудудда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида “Янги ҳаёт” кичик туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Пойтахт аҳолисига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари қўрилмоқда. Биринчи босқичда деҳқон бозорларида 256 та махсус раста ташкил этилди. Иккинчи босқичда мувофиқ, шаҳар бўйлаб 514 маҳаллада 2316 та кўчама савдо ярмаркаси ҳамда 634 турғун савдо дўкони ташкил этилди.

Сергели туманига Қашқадар вилояти бириктирилиб, вилоят фермерлари ўз маҳсулотини олиб келиб сотадиған савдо жойи очилди.

Давлатимиз раҳбари Ташаббус маҳалласи ҳудуддаги ана шундай савдо шохобчасини кўздан кечирди.

— Фермерларнинг маҳсулот олиб келишига ёрдам бериб, эмин-эркин сотишига шароит яратилса, Тошкентда озик-овқат маҳсулотлари нархини 15 — 20 фоиз тушириш мумкин. Маҳсулотлар арзон ва сифатлиги халқимизга, доимий миқдорлар борлиги деҳқонларга ҳам қулай бўлади. Энди бошқа туманларга ҳам муайян вилоятларни бириктириб, маҳаллаларда шундай ихчам, советкичи шохобчаларни ташкил этиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Сергели-5А мавзесидаги “MADENA COLLECTION” масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу тикувчилик корхонасида тиббиёт ходимлари учун йилига 150 минг дона махсус кийимлар ишлаб чиқаришмоқда. Корхонада шу атрофда яшовчи 100 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Президент ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг оилавий ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган экопаркни бориб кўрди.

Ўтган йил 21 майда Учтепа туманига ташриф чоғида Тошкент шаҳри туманларида истироҳат боғлари ташкил этиб, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича топшириқ берилган эди.

Шунга мувофиқ, Сергели туманида умумий майдони 10 гектар бўлган “Flowers Garden Park” ташкил этилди. Шундан 5 гектари боғ, 5 гектари гул сотиш марказидир. Боққа йирик гулли магнолия, фотиния фразери, қора сосна, игнабарғили арча, “Кримсон қиз” чинори каби 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали дархатлар ва 20 турдаги 60 мингдан зиёд буталар олиб келиб экилган. Аҳолининг кўнглини ҳордиқ чиқариши учун ресторан, савдо шохобчалари ташкил этилган.

Туркиянинг “Natural Peyza” ширкати билан ҳамкорликда бунёд этилган боғда 200 та иш ўрни яратилган. Малякали агроном ва энтомологлар жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари боғда яратилган шароитлар билан танишди, манзарали дархатлар ва гул дўконларини кўздан кечирди.

Янги экопаркда Сергели тумани мутасаддилари, аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

— Бугун бу ерга келишимдан мақсад — короновирус пандемияси туғайли юзага келган хозирги мураккаб вазиятда халқимизни нималар йўлантираётгани, одамлар ҳаётини яхшилаш учун яна нималар қилиш кераклигини биргаликда фикрлашиб олиш, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сергели тумани учун шакллантирилган инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди.

Жумладан, жорий йилда умумий қиймати 1,8 триллион сўмлик 61 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 5 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, 22 та лойиҳа бўйича 83 миллион доллар миқдорда хорижий сармоялар ўзлаштирилади.

Мисол учун, Тошкент қувур заводиде жорий йилда хитойлик ҳамкорлар билан бирга 85 миллион доллар инвестиция эвазига йилига 500 минг тонна металл лист ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади.

Чирчиқ дарёсининг Бектемир ва Сергели туманларидан оқиб ўтувчи 16 километрлик қисмидаги ўзанларни 65 — 80 метргача қисқартириш орқали қўшимча 565 гектар бўш ер захира пайдо бўлади. Бу ерда янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш орқали қўшимча 160 минг янги иш ўрни яратиш мумкин. Мутасаддиларга бу масалани атрофлича ҳисоб-китоб қилиб, уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали бандчилигини ошириш, камбағалликни қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт ва коммунал хўжалик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича катор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан қиймати 83 миллион доллар бўлган, 7 километр узунлидаги Сергели ер усти метроси қурилмоқда. Уни жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Оқова сув ва иситиш тармоқларини яхшилаш, марказий иссиқлик тизимини ёпиқ тизимга ўтказиш орқали модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқро мажбуриятларни бажаришининг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада қўнатиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тушунтириш, бола ҳуқуқлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти ҳақидаги халқро ҳамда миллий нормалар қоидаларини тарғиб қилиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги муножаатларини қўриб чиқиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг ижросини ўрганиш; ўз ваколати доирасида бола ҳуқуқлари ва эркинликлари халқро стандартларини қонун ҳужжатларига татбиқ этишини ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятида бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳолатидан жамоатчилиكنи хабардор қилиш;

(Давоми 2-бетда).



МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

2020 йил 29 май куни Ўзбекистон Республикаси раислиги доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов раислик қилди.

Тадбирда Беларусь Республикаси Бош вазири Сергей Румас, Молдова Республикаси Бош вазири Ион Кикю, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асодов, Россия Федерацияси Хукумати Раиси Михаил Мишустин, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Қозогис-

тон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин, Арманистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Мгер Григорян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Эркин Асқандиев, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов ва МДҲ Ўйроҳи қўмитаси раиси — Ўйроҳи котиби Сергей Лебедев иштирок этиди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК ВА ВОЛОНТЁРЛИК ҲАРАКАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, “Ўқалиш” умуммиллий ҳаракати, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Пандемия шароитида Ўзбекистонда глобал ҳамкорлик ва волонтерлик ҳаракати: ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик” мавзусида онлайн мулоқот ўтказилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллиги муносабати билан бутун дунёда эълон қилинган “БМТ — 75” кампанияси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, ёшлар қатнашди.

“БМТ — 75” кампанияси глобал мулоқот бўлиб, у иложи борида кўпроқ



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

имконияти чекланган болалар, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбия муассасаларини тамомлагандан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

тарбия муассасаларини тамомлаган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мақсадли коммунал уй-жой фондидаги белгиланган санитария ва техник меъёрларга ҳамда қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб берадиган тураржой билан таъминланишига кўмаклашиш;

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, бунда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш, шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича халқро ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисида тақлифлар киритиш;

маслаҳат, тавсия ва хулосалар бериш орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида халқро ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (кейинги ўринларда — Вакил) ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда бажаради;

Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас;

Вакилга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин; Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, тураржойи ва хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Вакилнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Вакил ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя қилиниши ҳолати ҳақида **маъруза** тақдим этади;

бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг айрим

жиҳатларига эътиборни қучайтириш зарур бўлганда Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қаратилган **махсус маърузалар** тақдим этиши мумкин;

Вакил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи **минтақавий вакиллари**га эга бўлади;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Вакил билан келишилади.

4. Вакилга ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан статистик, таҳлилий ва бошқа ахборот ва материаллар сўраб олиш; давлат органларининг маълумотлар базаларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргаликда текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш ва суд томонидан кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этиш;

бола ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш ва мурожаатлар кўриб чиқиш доирасида давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига бола ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатларида, эркинликлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш;

қонунда назарда тutilган ҳолларда боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат қилиш;

боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида суд жараёнларида қонунда белгиланган ҳоллар ва шаклларда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар бўйича сўровонлиқлар ўтказиш, шунингдек, бола ҳуқуқлари амалга оширилиши тўғрисида статистик маълумотлар йиғиш ва маълумотлар базасини шакллантириш;

бола ҳуқуқлари масалалари бўйича ўқув дастурлари тайёрлашда иштирок этиш, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ўқув-семинарлар ва тренинглар ташкил қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир эксперт ва илмий-

таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

болалар ҳақида гамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган муассасалар, хизматлар, органларга, шу жумладан, таълим, тиббиёт муассасалари, қамоқда сақлаш жойлари ва жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам равишда ва монеликсиз кириш;

Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган ва хорижий давлат ҳудудида бўлган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги келишувларга ва бошқа шартномаларга мувофиқ бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органларига ва омбудсманларига сўровнома юбориш;

ўз ваколатлари доирасида халқро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, уларнинг аъзолигига кириш, шунингдек, бошқа давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорлик қилиш; инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум, келишувлар тузиш, қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, бола ҳуқуқлари масалалари юзасидан халқро форумларда мунтазам равишда иштирок этиш.

5. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини мониторинг қилиш мақсадида Вакил ҳузурида **Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилсин. Қуйидагилар Кенгашнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш; бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимидаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳолати ҳамда Вакил фаолияти юзасидан жамоатчилиكنи хабардор қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш таркибига обрў-эътиборли фуқаролар, олимлар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига

биан боғлиқ муаммоларнинг оқилона ечим йўлларини топиб, тегишлилиги бўйича тақлифлар киритиши лозимли-гини кўрсатиб турибди.

Халқимизда “Куласанми, ййглайсанми?” деган гап бор

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақ-дири туради. Бинобарин, мамлаката-мизда амалга оширилаётган изчил ис-лохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Шу боис ҳам фаолиятимиз-да асосий эътиборни фақат мурожаат-лари ҳал қилиш билан қиёранлаймай, балки улар асосини ташкил этувчи мав-жуд муаммоларнинг туб илдинизни ат-рофдаги ўрганишга, келгусида бу каби камчиликларни бартараф этиш йўлла-рини излашга қаратмоқдамиз. Зотан, ҳал бўлган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар ҳаётида-ги ўзгариш, янгиланиш мумассас. Бу фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашда нихоятда муҳим омилдир.

Аммо... Одамни ҳайратга соладиган жиҳати шуки, билдирилаётган мурожа-атларнинг орасида ғайритабиийлари ҳам учраб турадики, уларни ўқиб бе-ихтиёр халқимизнинг “Куласанми, ййглайсанми?” деган гапини эслайсан киши. Баъзиларида қўшнчилик муно-сабатларининг тобора кучсизланаётга-ни ҳам, аёл узокни ўйламасдан ҳаётга енгил қараётгани, масъул лавозимлар-да ишлаб шахсий ҳаётида ибрат бўла олмаётган фуқаролар билан боғлиқ ми-соллар ҳам акс этган. Шундай ариза-шикоятлардан мисоллар келтирамиз:

“Қўшим эккан жийда дарахти-нинг хиди менда аллергия қўзғат-моқда. Шу дарахтнинг хиди бизнинг ҳовлимизга ўтмаслигини таъминлаб беришингизни сўрайман...”

“Қўшимн уйда таъмирлаш ишла-рини олиб борапти. Қум ва чанглар кўзимга кириб, мени ва оила аъзо-ларимни безовта қияпти. Қўшим-нинг уйдаги таъмирлаш ишларини тўхтатиб беришингизни сўрайман...”

“Маҳалла раиси менга шаръий никоҳ билан уйланди. 5 ой яхши яшадик. Энди яна биринчи хотинга кетиб қолди. Сиздан эримнинг қайтишини таъминлашда ёрдам беришингизни сўрайман”.

Хулоса ўзингиздан...

Фаолиятимиздан одамлар рози бўлсин

Ҳамма замонларда ҳам аёл муам-молари алоҳида ёндашувни талаб эт-ган. Мана шу ўзгаришлар кечаётган

Элмира БОСИТХОНОВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
вазирининг биринчи ўринбосари,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Мени энг кўп ўйлантирадиган масала, бу ёшлар ва хотин-қизлардир. Уларга эътибор, кўмак керак. Билими, кўлида касб-хунари бўлса, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Ота-онаси, оиласи ҳам давлатдан рози бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Бу тизим давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини халққа яқинлаштирди. Раҳбар ходимлар кабинетдан чиқиб, аҳоли хузурига борди, ўша жойнинг ўзида одамлар билан бевосита мулоқот қилди, уларнинг ташвишларини ҳал этишга бел боғлади.

Айни жараёнда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳам ўз ваколати доирасида фаол қатнашмоқда. Ўз муаммо ва масалаларини ҳал этиш бўйича вазирлигимизга ҳам минглаб фуқароларимиз ёзма ва оғзаки мурожаатлар йўллашади.

Таҳлил

Ҳаёт давом этар экан, эҳтиёжлар тўхтамайди

Жорий йилнинг 4 ой давомида (2020 йил 30 январь — 7 май ҳолатига) вазирликка жисмоний ва юридик шахслар-дан жами 45 859 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг энг кўли Қашқадарё (8 449 та), Сурхондарё (5 242 та), Самарқанд (4 819 та), Тошкент шаҳри (4 385 та), Тошкент вилояти (3 490 та), Фарғона (3 798 та), Андижон (3 593 та), Наманган (3 131 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Мурожаатлар йўналишини куйидагилар ташкил этади:
■ бола парварishi нафақаси ва ёрдам пулини тайинлашдаги камчиликлар; ■ карантин даврида озик-овқат ва моддий ёрдам; ■ уй-жой (эҳтиёжманд оилалар ва бошланғич тўловсиз); ■ оилавий низолар (ўзаро келишмовчиликлар ва мулк талашлишлар); ■ иш билан таъминлаш ва кредит олиш; ■ маҳалла раисларининг қўпол муносабати ва тамағирлиги каби масалалар.

Келинг, шу ўринда шундай муаммо-ларнинг биттасини таҳлил қилиб кўрай-лик. Масалан, яқинда бюджет масала-лари мухокамасида ижтимоий ёрдам учун ажратилган маблағлар ўз ўрнида йўналтирилмаётгани (сарфланмасдан қолиб кетгани) танқид қилинди. Ҳозир-ги кунда бола парварishi нафақасини ва ёрдам пулини тайинлаш бўйича ме-зонлар реал ахволдан фарқ қилади, қўйилган мезонлар чукўр таҳлиллар

парварishi учун нафақа пулини олиш-да ёрдам сўраган. Лекин маҳалла масъуълари фуқаронинг турмуш ўртоғи маоши белгиланган коэффицентдан юқорилигини сабаб қилиб, нафақа та-йинлашни рад этган. Бу ўринда ма-ҳалла комиссиясининг рад қилиши қонунан тўғри, аммо бу каби номута-носиб ҳолат ва меъёрий ҳужжатлар қонун ижодкорлигини янада такомил-лаштиришни талаб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК ВА ВОЛОНТЁРЛИК ҲАРАКАТИ

Онлайн мулоқот давомида Ўзбекистон Президентини томонидан 2019 йил 2 декабрь куни имзоланган “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти, коронавирус пандемияси тўғрисида юзага келган мураккаб вазиятда волонтерлик гуруҳларининг ташаббуслари, шунингдек, фаол фуқаролар томонидан амалга оширилаётган хайрия акциялари, ёшларнинг волонтер сифатида ортирган тажрибалари ҳақида фикр юритилди.

Таъкидланганидек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган гуя қондалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолиимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлиши муҳим саналади.

Ўзбекистон — АҚШ: ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳамда АҚШ ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича онлайн форматда қўшма йиғилиш ўтказилди.

Депутатлар, сенаторлар, мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ходимлари, экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда Олий Мажлис палаталарининг АҚШ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштиришга йўналтирилган Тадбирлар режаси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги уч йил давомида мамлакатимизни фаол ривожлантириш ва модернизациялашга қаратилган тўб ўзгаришлар ҳамда кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида аънанавий иттифоқдош ва яқин ҳамкорлар билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш бутунлай янги ёндашув асосида тобора фаоллашмоқда. Асосий ҳамкор давлатлар, хусусан, АҚШ билан алоқалар динамика равишда ривожланипти.

Бундан ташқари, икки мамлакат вакиллари ўртасида юқори даражадаги таширбиларнинг очик, дўстона ва конструктив тарзда ўтказилаётгани мазкур давлатлар ўртасида стратегик

ҳамкорликни мустаҳкамлаш истаги қучли эканлигини яна бир мартаба исботламоқда.

Видеоконференция қатнашчилари Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги, хусусан, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида ижобий тенденция кузатилаётгани алоҳида таъкидлашди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари бир неча бор АҚШга таширф буюриб, америкалик ҳамкасблари билан бўлган учрашувларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишмоқда.

Парламент фаолияти бўйича тажриба алмашиб, Америка жамоатчилигини Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлар тўғрисида хабардор қилишга тайёр.

Ўз навбатида, АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатасида “Ўзбекистон бўйича Кокус” тужилида бўлиб, у мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши бўлган конгрессменларни бирлаштирган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил май ойида АҚШга расмий ташир-

фи чоғида илгари сурган ташаббуси асосида тузилган ушбу Кокуснинг асосий максаси — Ўзбекистон ва АҚШ парламентли вакиллари ўртасида минтақавий хавфсизлик, савдо-инвестициявий ҳамда ҳарбий-техник ҳамкорликни таъминлаш, терроризм ва ғийвандлик моддаларининг нуқсоний айланишига қарши кураш, шунингдек, демократик ислохотларни амалга ошириш соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлашдир.

Иштирокчилар икки томонлама алоқаларда мавжуд бўлган шу каби имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан америкалик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан маълумот тақдим этилди. Ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришда парламент дипломатияси механизмларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди.

Муҳокамалар давомида Тадбирлар режаси лойиҳаси атрофида кўриб чиқилиб қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати

Янги қонун муҳокамасида ҳудудлар манфаати ўстувор

Олий Мажлис Сенатига Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқиш учун келиб тушган эди. Айни чоғда у дастлабки тарзда юқори палатанинг Суд-ҳуққ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ўрганилиб, ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда, қўйма аъзолари ва экспертлар иштирокида онлайн муҳокама қилинмоқда.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ҳамда яна бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сўнгги йилларда таркибида қучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дориларни эркин сотиб олиш имкони мавжудлиги боис ўсимир ёндаги болалар томонидан уларни но-тиббий мақсадда ишлатиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш ва жавобгарликни қучайтириш мақсадида Жиноят кодексидаги ўзгаришлар киритилляпти. Жумладан, бундай дориларни рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик

қучун жиноий жавобгарлик белгиламоқда. Шу жиноятни содир қилган айбдор шахс беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Кейинги пайтларда ҳаётда кўп кузатилаётган яна бир ҳолат шуки, тез тиббий ёрдам, ўт ўчириш ва бошқа хизматлар автомашиналарига йўл бериш ҳамда уларни тез ўтказиб юбориш чоғида ҳайдовчи бирон қонидани бузса ва бу видеокамераларга тушиб қолса, у айбоси айбдор сифатида қатта-қатта жарималарга тортилари. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилаётган қўшимчаларга биноан, ана шундай ҳолатларда ҳайдовчининг жавобгарликка тортмаслик кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодек-

га ўқитувчилар касбий фаолиятга нуқсоний аралашш ёки унинг хизмат вазибаларини ба-жаришига тўқсинлик қилини-нинг олдини олишга йўналти-рилган муйайн ўзгаришлар киритилаётир. Яъни ўқитувчининг ўқувчи-талабалар билимини тўғри ва ҳолис баҳолашига қонунга хилоф равишда аралашш ёки бошқа ҳолларда унинг ишига тўқсинлик қилган-лик учун маъмурий жавобгар-лик, яъни фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 — 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 10 — 15 бараваригача жарима белгилянапти.

Умуман, мазкур қонунда янгиликлар кўп. Айни чоғда ушбу ҳужжатни Олий Мажлис Сена-тининг навбатдаги ялпи маж-лиси муҳокамасига киритиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилюмоқда.

ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙГАН, АММО...

Кеча Қашқадарё вилаетида Олий Мажлис Сенатининг Мудфода ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари вилает Кенгаши депутатлари билан биргаликда қўшма мажлис ўтказилди.

Унда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳудудда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳ-лил этилди.

Таъкидланганидек, ўтган йили вилает бўйича умумий жиноятлар 114 тага камайган, мавжуд 768 та маҳалланинг 243 тасида жиноят содир этилмаган ва 275 тасида камайган.

Албатта, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаган. Оқибатда 507 та жиноят рўй берган. Жумладан, 201 та оғир ва ўта оғир жиноят содир бўлган.

Мажлисида Қашқадарё вилаети ички ишлар бошқармаси бошлигининг ахбороти эшитилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилининг 23 апрелида қабул қилинган ва Сенат томонидан маҳаллий Кенгашларга муҳокама учун юборилган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун атрофида муҳокама этилди.

«РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ижро этилиши ҳолатига бағишланган видеоконференция ўтказди.

Ўтган йили истеъмолчилардан тушган 11 миңдан зиёд шикоятларнинг 50 фоизи коммунал ва транспорт, 25 фоизи ҳолда, қолган 25 фоизи алоқа, молиявий хизматлар ва бошқа соҳаларга оиддир. Шу боис давлат раҳбари томонидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини тубдан тақомиллаштириш мақсадида уни истеъмолчилар манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қиладиган халқ вакилилик органи — Олий Мажлисига ҳисобдор этиб белгилаш масаласини кўриб чиқиш топшириги берилган эди. Шу асосда мазкур тадбир ташкил этилди.

Таъкидланганидек, бүгунги кунда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорида 245 та корхона монопол ҳолатда қолгани белгиланган. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат мўҳити шаклланган.

Бугунги кунда мавжуд 238 та монополия субъектини 79 фоизини давлат корхоналари ташкил этиб, улар ўз ресурсларидан фойдаланган ҳолда хусусий сектор билан ноҳақ рақобатга киришиб келаётганлиги ҳолатлари қўйма томонидан аниқланган. Интернет ва мобил алоқа, автотомобиллар, минерал ва қимё ўғитлари, полиэтилен гранула-

лари, шаклар, тамаки, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш каби бозорлар шулар жумласидандир.

Қўйма томонидан 12 та саноат тармоғидаги 130 турдаги маҳсулотнинг нарх рақобатдошлиги таҳлил қилиниб, ички ва ташқи бозорда маҳсулотлар таннаҳрини пасайтириш ҳамда рақобат мўҳитини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”га тақлифлар берилган. Ўз навбатида, тадбирда қўйма фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий таҳрибани пукта ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Яқунда Олий Мажлис Сена-ти Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўйма-сининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ

Мажлис қатнашчилари асосий эътиборини МДХ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларига, шунингдек, коронавир-ус пандемиясини шароитида қўри-лаётган биргаликдаги чора-тадбир-ларга қаратди.

Муҳокамалар натижасида янги ко-ронавирус инфекцияси — COVID-19 тарқалиши муносабати билан МДХ-га аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳ-барларининг Баёноти қабул қилин-ди. Кенгаш қарорига кўра, мазкур ҳужжат матни БМТ, ЖССТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотларга ҳам тарқатилди.

Барқарор иқтисодий ривожла-ниш учун қулай шарт-шароит яратиш, МДХга аъзо мамлакатлар фуқаролари турмуш тарзи ва фар-вовонлигини ошириш мақсадида томонлар 2030 йилгача бўлган даврда Ҳамдўстлигини иқтисодий ривожлантириш стратегиясини тас-диқладилар. МДХ мамлакатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг базавий тамойиллари ва асосий йўналишларини белгилаб беради-ди. Кенгаш қарорига кўра, мазкур ҳужжат матни БМТ, ЖССТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотларга ҳам тарқатилди.

Мулоқотлар давомида карантин чекловлари шароитида савдо-иқти-содий ва транспорт-коммуникация соҳаларида йўлга қўйилган мавжуд механизмларни, шунингдек, МДХ ҳудудидаги эркин савдо зонасининг тўлақонли ишлашини сақлаб қолиш муҳимлиги қайд этилди.

МДХ мамлакатлари аҳолиси ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида яхши қўшимчилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни янада кен-гайтириш зарурлиги таъкидланди.

МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенга-ши мажлиси аъзолари бўйича транспорт, энергетика, қурилиш, таълим, маданият, туризм, жисмо-ний тарбия ва спорт соҳаларини, шунингдек, ёшлар сиёсатини ри-вожлантиришга оид жами 14 та ҳуж-жат имзоланди.

Томонлар МДХ Ижроия қўми-тасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши навбатдаги мажлисини жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги тақлифини қўллаб-қувватладилар.

Файрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МИЛЛАТНИ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛТИРАДИ

Қаерда маданият ва санъат юқори даражада ривожланган бўлса, демакки, ўша халқнинг маънавияти ҳам юксак бўлади. Бинобарин, сўнгги йилларда миллий маданиятимизни раванқ топтириш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ҳамда тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини кенг оммалаштириш, маданият ҳамда санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга доир тизимли ишлар амалга ошириб келиняпти.

Сенатор мушоҳадаси

Президентимизнинг жорий йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жа-мийат ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республика-си Маданият вазирлиги фаолиятини тақо-миллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарори шу соҳадаги ислохотларни жадал давом эттириш, маданий органла-ри ва муассасалари фаолиятини янада та-қомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Фармонда 2021 йилининг 1 январидан бошлаб, концерт-томшоа фаолиятини ли-цензиялаш, лицензияларнинг давлат реестри-ни юритиш, уларнинг фаолияти ва эриш-ган натижалари ҳақидаги ахборотларни ки-ритиб бориш, концерт-томшоа тадбирига бир марталик рұхсатнома бериш учун ундирилмадиган йиғимни бекор қилиш, 2020 йил 1 сентябрдан эътиборан давлат органилари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда тўлиқ жонли ижро асосида ўтказилган концерт дастурлари учун ижа-ра тўловидан 50 фоиз чегирма бериш тар-тибини жорий қилиш кўзда тутилганлиги-ни эътироф этиш зарур. Эеро, санъаткор-ларга берилган ушбу имтиёз ва имконият-лар уларни янада масъулият билан иқод қилишга ундайди.

Ёшларимизнинг илм-маърифат, маъна-вият ва миллий урф-одатларга бўлган му-ҳаббатини болалиқдан шакллантириш ол-

димизга қўйилган асосий вазибалардан би-радир. Бу борда Республика кўнчирқоч те-атрининг салмоқли ҳиссаси бор. Шу боис ушбу муассасаларга Ўзбек Миллий кўнчирқоч театри номи берилган, Навоий, Наман-ган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кўнчирқоч театрлари ташкил этилиши ёшлар-ни юксак маънавиятга қилиб қамолга ет-казишга айна мўддаодир.

Ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўзбек макор санъа-ти факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегиш-ли таълим йўналишлари ҳамда мутахас-сисликлари негизида макор ижрочилиги, бахшчилик ва қатта ашула йўналишлари бўйича қадрлар тайёрловчи таянч олий таъ-лим муассасаси — Юнус Ражабий номида-ги Ўзбек миллий мусика санъати институ-ти ташкил этилиши ҳам миллий макор санъатимизни нафақат иқодиий, балки ил-мий нуктаи назардан ўрганишга ва дунё миқёсида тарғиб этишда қўл келади.

Шунингдек, 1990 йилдан буюн капитал таъмирланмаган Ўзбекистон давлат цирки биносини тўлиқ реконструкция қилиниб, жи-ҳозланган ҳамда Республика иxtисос-лаштирилган эстрада ва цирк мактаби Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи сифатида қайта ташкил этиладиган бўлди.

Музейлар ва маданият бойликларини тадқиқ этиш самарадорлигини ошириш ҳужжатининг асосий йўналишларидан бири-

аниқ ҳал қилишнинг йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Хусусан, бу бо-рада Адлия вазирлиги зиммасига бир қатор қўшимча вазифа ҳамда функциялар юклатилди.

Эндиликда вазирлик жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шу-нингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ас-сўзсиз рият этилишини таъминлаш-га қаратилган изчил ҳуқуқий сиё-сатни тақомиллаштиришни амалга оширади. Бу эса норма ижодкор-лиги фаолиятининг ҳуқуқни қўллаш

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЯНГИЧА МАЪНО ВА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

Президентимиз Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида ҳар томонлама муқаммал ва самарали бошқарув тизимини яратиш олдимизда турган улкан вазибаларни бажаришнинг асосий шarti эканлигини таъкидлаган эди.

Депутат фикри

Мазкур ғояни рўёбга чиқариш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органилари ва му-ассасалари фаолиятини янада та-қомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилин-ди ҳамда ушбу ҳужжат давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш-нинг бугунги ва истиқболни бел-гилаб берди.

Чуқли унда норма ижодкорлиги фаолиятига дахлдор шахсларнинг аксариятини ўйлантираётган маса-лалар билан бир қаторда, уларни

амалиётдаги нечоғли самарали эканлигини доимий ўрганиш имко-нини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон Респу-бликаси қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базасида 20 миңдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрин олган. Агар 1991 — 2015 йил-ларда ушбу миллий базага 60 миң-та қонун ҳужжати жойлаштирилган бўлса, охириги уч йилда 13 миңга ҳужжат ўрин олди.

Шу боис барча соҳада қонунчи-ликни тизимлаштириш ҳамда коди-фикациялаш ишларини самарали йўлга қўйиш, қабул қилинганга қўл вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бу-гунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга ўйналантириш Адлия вазирлигининг муҳим вазибалари-дан бири этиб белгиланди. Айни мақсадда қонунчиликни тизим-лаштириш ҳамда ортиқча ҳуқуқий

тартибга солишни қамайтириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилмоқда.

Фармонда норма ижодкорлиги фаолиятига рақамли технология-ларни кенг жорий этиш бўйича му-ҳим вазифа белгиланди. Унга кўра, 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тариқасида, 2020 йил 1 октябр-дан эътиборан эса тўлиқ норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалар-ини ишлаб қиқиш ва келишиш-нинг ягона электрон тизими йўлга қўйилади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб қиқиш ҳамда келишишга оид ташкилий ишлар ягона тизим орқали тезкор-лик билан амалга оширилишини таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳат. Сўнгги йилларда Норма ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштириш кон-

цепцияси асосида қонун ижодкор-лиги жараяни мутлақо янги тус олди. Ижтимоий муносабатларни аввалги ўзини оқламаган тарқоқ ҳолда тартибга солиш, формал қонунларни қабул қилиш амалиё-тига тўлиқ бәрҳам берилди.

Бу борадаги ишларни жадал-лаштириш мақсадида Фармонда 2020 йил 1 июлдан бошлаб, нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳала-рини тайёрлашда концептуал жи-ҳатдан янги механизмларни яратилиш “пакет” принципи жо-рий қилинмоқда. Унга асосан, эн-диликда янги қонун лойиҳасини ишлаб қиқишда уни амалга оши-ришга қаратилган ҳаволаки норма-лар янги қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган мўддатда ишлаб қиқилади ва қучга қиради.

Айни пайтда янги қонун лойиҳа-си билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга

Зафар ЖАЛОЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Ўзбекистон оиласи ўзини изоляциялаш шароитида:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА МАСЪУЛИЯТ ДОИРАСИ»

Коронавирус пандемияси жамиятда оила ва никоҳ институти, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари учун ижтимоий соҳани мустақамлаш ҳамда ривожлантириш масалаларининг нақадар муҳимлигини яна бир бор эслатиб қўйди.

Халқро оила кунги арафасида «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон оиласи ўзини изоляциялаш шароитида: ўзаро муносабатлар ва масъулият доираси» мавзuida телефон орқали сўров ўтказди.

Ижтимоий фикр

Мамлакатимиз аҳолиси иш-тирок этган ушбу сўровда ўзини изоляциялаш тартибининг ички оилавий ҳамда шахслараро муносабатларга таъсири аниқланди, эр-хотинлар, фарзандлар ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари ўрганилди, оилавий иш-зорларнинг юзага келиши ҳамда кучайишига таъсир қилувчи омиллар аён бўлди.

Телефон сўрови ўзини изоляциялаш шароитига олган 37,8 фоиз оилаларда уйдаги мажбуриятларнинг қайта тақсимланиши юз берганилигини кўрсатди. Респондентлар жинсий мансублигиндан қатъи назар, узоқ вақт берк маконда бўлиш уй ҳўжалигини юритиш ва болалар тарбиясига жалб қилинган эркаклар сонини кўпайтирганилигини таъкидлади. Сўрал-ганларнинг фикрича, ўзини изоляциялаш тартиби уларга болаларнинг таълим-тарбиясига,

Респондентларнинг қайд этишларича, мамлакатда ва дунёда коронавирус инфекцияси тарқалиши, карантин чоралари ҳамда ўзини изоляциялаш тартибининг жорий қилиниши билан боғлиқ юзага келган вазиятда оила ўзбекистонликлар ҳаётида ишончли таянч ва суянч ҳисобланади.

бўш вақтни биргаликда ўтказишга кўпроқ вақт ва эътибор ажратишга имкон берди.

Айни вақтда сўров шунини кўрсатдики, фуқароларнинг анчагина қисми уйдаги мажбуриятларни тақсимлашда анъанавий меъёрларга амал қилишда давом этмоқдалар. 60,6 фоиз фуқароларнинг фикрича, оиладаги барча аъзоларнинг мажбуран уйда бўлиши уй мажбуриятларининг улар ўртасида тақсимланишига таъсир кўрсатади, оиланинг ҳар бир аъзоси карантингача ўзи бажарган одатдаги уй юмшларини бажаряпти.

Натижалар ўзини изоляциялаш даврида уйдаги мажбуриятларнинг асосий қисми аёллар зиммасига тушганилигиндан далолат беради. Таом тайёрлаш, хонадон ёки уйни тозалаш, кир ювиш ва қийимларни дасмоллаш каби хизмат турларига нисбатан гендер фарқлинишининг юқори кўрсаткичлари аниқланди. Сўровда аён бўлишича, эркакларнинг уйдаги мажбуриятлари тузилмасида озик-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж товарларини сотиб олиш, то-морқада ишлаш энг салмоқли мавқени эгаллайди.

Олинган натижаларга муво-фик, ўзини изоляциялаш даври-да қарийб ҳар иккинчи эркак бо-лалар парвариши билан шугул-ланган, жумладан, уларга уй ва-зифаларини бажаришда кўмак-лашган, дам олишларини таш-кил этган, болалар билан бирга компьютер ҳамда турли уйин-ларни ўйнаган, китоб ўқиш ва телекўрсатувларни томоша қилиш билан вақт ўтказган.

Оиладаги ўзаро ҳурмат му-хити, унинг жислсиги, қийинчи-ликларни бартараф этиа олиши, низоли вазиятларда оила аъзо-ларининг ҳулқ-атвори оилани сақлаб қолишининг муҳим шар-ти ҳисобланади. Телефон интер-вьюлари даврида ўзини изо-ляциялаш даврида оилаларида-ги руҳий муҳитга фуқароларнинг

ўзлари берган субъектив баҳо-лари аниқланди. Кўпчилик фуқароларнинг фикрича, улар-нинг оилаларида жислсик, хай-рихоҳлик ва хушфэъллик асо-сидаги ўзаро муносабатлар, ҳимояланганлик туйғуси билан тавсифланадиган ижобий руҳий муҳит ҳўкм сўмоқда.

Респондентларнинг қайд этишларича, мамлакатда ва дунёда коронавирус инфекция-си тарқалиши, карантин чора-лари ҳамда ўзини изоляциялаш тартибининг жорий қилиниши билан боғлиқ юзага келган ва-зиятда оила ўзбекистонликлар ҳаётида ишончли таянч ва суянч ҳисобланади.

Сўров даврида респон-дентлар ўзини изоляциялаш тартиби оилавий муносабатлар-га қандай таъсир қилгани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини бил-диридилар. Телефон сўрови иштирокчиларининг кўпчили-ки қисми, яни 63,1 фоизи оила янада жислслади ва барқарорлашди, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлари ажишлан-ди, деб жавоб беришди.

Аксарият респон-дентлар ҳалқимизнинг “Менинг уйим — менинг кўронгим” деган оқло-на ибораси мазмунини юракдан англаб етиб, кўчур ҳис қилишгани-лини, оила аъзоларини қайта кашф этишгани-лини, яқинларининг фик-ри, қизиқишлари ҳамда шахсий эркинлигини яқ-широқ қадрлашни, бир-бирини ҳурмат қилишни ва ўзаро мулоқотдан завқ олишни ўргатиш-ганилигини таъкидлашди.

Шу билан бирга, 13,6 фоиз респондент-нинг фикрига кўра, уйда ўзини изоляциялаш тартиби оилалар мустақамлашининг ҳаққий си-новни бўлиди. Чунки улар узоқ вақт даврида доимий равишда би-ри билан бирга қотиш зару-рияти ҳамда вазиятни ўзгарти-риш имконияти йўқлигининг сал-бий таъсирини бошдан ке-чир-дилар.

Сўров ўзбекистонликлар ора-сида коронавирс пандемияси ниҳоясига етишидан умидвор-лик ва буни қутиш қайфияти устуворлик қилаётганлигини аниқлаб берди. “Барқарор, ра-вон, хотиржам қайфиятда” экан-лигини таъкидлаган 71,9 фоиз фуқаро кўпроқ ижобий туйғулар-ни ҳис қилишяпти.

Умуман, телефон сўровининг олинган натижалари шунини кўрсатдики, ўзбекистонликлар-нинг аксарияти ўзини изоля-циялаш тартибини ёлғизликда эмас, балки яқунлари ва қарин-дошлари даврасида ўтказаяпти. Бу, шубҳасиз, ҳар томонлама афзалликдир. Чунки яқин икти-моий алоқалар ҳамда ишончли муносабатларнинг мавжудлиги оила аъзоларининг коронавирс инфекциясининг умумий тахди-дига қарши жислслашувини ра-батлантиради. Қолаверса, ўзин-гил ва яқинларининг саломат-лиги учун масъулият ҳиссини оширади, изоляциялаш тарти-би қийинчиликларини ҳамжиҳат-ликда енгиш имконини беради.

Оила — жамиятимиизнинг асосий таянчи. Унда ҳар бир ин-сон ўзига кўмак ва ҳимоя топа-ди, айнан ушбу кўрсан авлод-ларнинг ўзаро муносабат мар-кази сифатида коронавирс ин-фекциясига қарши курашининг мураккаб кунларида бошга туш-ган синовларни енгиб ўтишга ёрдам берапти.

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Қарор ва ижро

Президентимизнинг шу йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимиздаги 5 та университетда Педагогика институтлари ташкил қилинди. Аҳамиятли томони, ушбу олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни илгор халқро стандартлар асосида йўлга қўйиш мақсадида ўқув жараёнига босқичма-босқич кредит-модуль тизимини жорий этиш белгиланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ўзида қамраб олаётган замонавий интеграциялашув жараёнлари таълим тизимига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Хозирги даврда жаҳон бўйлаб ўзига хос ягона таълим муҳити шаклланаётган бўлиб, бу турли давлатлардаги университетларнинг таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ўзаро уйғунлашиб бораётганлигида намоён бўлмоқда.

Бу ҳақда гап борар экан, биз матбуотда, илмий ва педагогик адабиётларда кўп учратадиган “Болонья келишуви” ёки “Болонья жараёни”нинг мазмун-моҳиятига, шунингдек, айни пайтда долзарб бўлиб турган масофавий таълим, кредит-модуль тизими, замонавий дарс турлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ

ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА?



Болонья келишуви ягона олий таълим маконини яратишга қаратилган бўлиб, Европа мамлакатлари ўқув юртларини бир-бирига уйғунлашти-риш, умумевропа меҳнат бозори учун етук мутахассислар тайёрлаш, талабага эса халқро таълимга тўсиқлар-сиз кириш имконини яратди.

Болонья декларацияси 1999 йилда 29 та мамлакат вакили томонидан им-золанган бўлса, хозирги вақтда 48 та давлат ушбу жараён иштирокчиси ҳисобланади. Болонья келишувига Россия 2003 йилда, Украина 2005 йил-да, қўшни Қозғистон Республикаси 2010 йилда аъзо бўлган. Шунингдек, мазкур рўйхатдан Озарбайжон, Арма-нистон, Грузия ва Беларусь ҳам жой олган. Ушбу жараён аъзолик учун очик бўлиб, унга истаган давлат муайян шартларни бажарган ҳолда ихтиёр-лик асосида қўшилиди.

Қайд этиш ўринлики, Болонья жараёнига қўшилиш миллий олий таълим тизимини ривожлантириш ва унинг халқро микёсда тан олиниши йўлидаги муҳим қадамдир. Буни акса-рият аъзо мамлакатлар, хусусан, Қозғи-стон мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу қўшни мамлакатда 2010 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларида ўқитишнинг кредит тизими жорий қилинган, нисбатан қисқа муддатлар-да бир неча университетлар THE (Times Higher Education), QS (Quacquarelli Symonds) каби нуфузли халқро рейтингларда қўли минта-лиқка кирганлиги ҳам фикримиз тас-диғидир.

Болонья жараёнига кириш миллий олий таълим тизимларининг рақобат-бардошлигини оширишга хизмат қи-лади. Чунки бунда олий таълим тўғриси-даги умумевропа диплом иловаси жо-рий қилинади. Кредитларни ўтказиш ва жағмаришнинг Европа тизими (ECTS — European Credit Transfer and Accumulation System), яъни талабалар ўзлаштирган билим ва малакаларни ҳисобга олишнинг умумевропа тизи-мига ўтилади. Талабалар ҳамда педа-гог ходимларнинг академик мобили-гини ошириш учун шарт-шароитлар яратилади. Талабалар билимининг на-зорат қилиш учун ягона умумевропа баҳолаш мезонлари қўлланилади ва ўқитиш сифати ажишланади, эквива-лент таълим дастурлари, академик да-ражалар жорий қилинади. Фан, таъ-лим ва ишлаб чиқариш интеграцияси кучаяди.

Кредит талаба ва ўқитувчи ўқув фа-олияти ҳажмининг сондаги ифодаси бўлиб, фанга тегишли назарий, ама-лий ва мустақил таълим жараёнлари-ни ўз ичига олади. Аксарият ҳоллар-да, 1 кредит 35-36 академик соат ҳаж-мига тенг ҳисобланиб, тегишли равиш-да фанлар ҳам ўқув режасидаги сал-момига кўра турли ҳажмдаги кредитда ифодаланади. Ўқув жараёнига кредит технологиясини асосида ташкил қили-шда талабанинг мустақил таълим оли-шига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, унинг ўз ихтиёрига кўра ўқув қўлланмалари, китоблар, дарслик-лар билан ишлаши, уй вазифаларини бажариши, тадқиқот олиб бориши ва ўқитувчи билан шўғуллиниши учун вақт ажратилади. Талаба бир фанни ўзлаш-тириб, ижобий ҳолга олган ҳолдада, у шу фан учун белгиланган кредитни қўлга киригган ҳисобланади. Ўқув ре-жасида бир ярим йиллик учун 30 кре-

дит, бир ўқув йили учун 60 кредитга мос фанлар киритилади. Мос равиш-да, бакалаврият таълим йўналиши бўйича дипломини қўлга киришти учун талаба камида 180 — 240 кредит, ма-гистрлик дипломи учун 60 — 120 кре-дит ҳажмига тенг фанларни ўзлашти-риши зарур.

Модуль — маълум бир фан ёки унинг бир бўлими доирасида мазмун-ий ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижадан қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирлик-дир. Хар бир модуль, ўз навбатида, кириш блоки (модуль ҳақида асосий маълумотлар, қўтладиган натижалар), назарий блок (маърузалар, тақдирот-лар), назорат блоки (топшириқлар) ва амалий блокдан (семинарлар, амалий ва лаборатория машғулотири, муста-қил ишлар) ташкил топади. Хар бир фан ўзаро ўзвийликка асосланувчи бир неча модулдан ташкил топган бўлиб, улар талаба томонидан кетма-кет ўзлаштириб борилади.

Модуль технологиялар эса модул-лар блокларидан ташкил топган фан дастурининг талаба томонидан мус-тақил ва тизимли равишда ўзлашти-риб борилиши, маълумотларни қайта ишлаш, эғаллаган билимларни баҳо-лаш имкониятини берувчи технология-лардир. Хозирги пайтда ушбу технологиялар, асосан, интернет плат-формалари шаклида бўлиб, энг кенг тарқалганлари қаторида “Майкрософт Тимс” (Microsoft Teams), “Мудл” (Moodle), “Гугл” аудиториеси” (Google Classroom) кабиларни санаб ўтиш му-кин. Бошқача айтганда, фан модул-лари ушбу платформаларга жойлашти-рилиб, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот, маълумот айирбошланиши ва баҳолаш жараёнлари йўлга қўйилади.

Модулли ўқитиш технологиясини қўллашнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, талаба бир модул-рини ўзлаштирмасдан иккинчисига ўта олмайдди. Бу эса таълим дастурининг қафолати ўзлаштирилишини таъмин-лайди. Ўқув модулларини тузишда кўп ҳолларда иш берувчилар ҳам жалб қилинадилар. Улар модулли таълим дастурларида танлов фанларини киришти бўйича ўз тақлифларини бе-ради.

Демак, кредит-модуль тизими мо-дуль қўринишида шакллантирилган фан блокларини тўлиқ ўзлаштириш орқали кредитларни йиғиб боришга асосланган тизимдир.

Академик мобилилик деганда тала-бат, тақдимот жараёнларининг интер-нет орқали онлайн равишда ўтказили-шидир. Унинг асосий хусусияти интер-фоалик бўлиб, реал вақт режимида ўзаро маълумот алмашми, уни тахил қилиш ва қайта ишлаш мумкин. Веби-нарлар жаҳон таълим тизимида кенг тарқалган бўлиб, хозирги пайтда Бу-роҳо давлат университетига ҳам хо-рижлик ҳамкорлар билан қўпгина он-лайн дарслар айнан вебинлар шаклида ўтказилмоқда. Масалан, жаҳон рейтинг-ларида юқори ўринларда турувчи Па-дуа университети (Италия), Валенсия политехника университети (Испания), Халт бизнес мактаби (Буюк Британия), Вател меҳмонхона ва туризм бизнес мактаби (Франция) ҳамда бошқа кўп-ла олий таълим муассасалари, шу-нингдек, Япония Туризм кенгаши, “Content Capital” (Малайзия) каби ташкилотлар билан вебинларлар дои-мий равишда йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда ҳам Болонья жараё-нининг айрим шартлари бажарилган. Мисол учун, бакалаврият ва магис-тратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизимига ўтилган. Навбатда-ги босқичда кредитлар тўплаш ва қўчиришнинг Европа тизимини қўллаш қоидалари, талабалар, педагог ва маъмурий ходимлар ҳаракатчанлиги-ни амалга ошириш механизмлари, миллий ҳамда тармоқ махкада тизи-лари (квалификация рамкалари) ишлаб чиқилмоқда.

Соҳа экспертлари Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилишини ижо-бий баҳолаб, у миллий олий таълим тизимининг жаҳон амалиёти билан уй-ғун ривожланиши ҳамда кадрлар тай-ёрлаш сифатини тубдан ажишлашга

Хар бир кредит асосида ўқитувчи-нинг иш юкламаси (дарс ўтиш, тайёр-ланиш, материалларни тайёрлаш, та-лабалар билан мулоқот, баҳолаш, мо-ниторинг, тахлил ва бошқа фаолият) турганлигидан келиб чиққан ҳолда, кредитлар учун тўлов белгилаш ҳамда талабанинг бир йиллик ўқиш қийма-тини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бир ёки ундан ортқ фан бўйича ўзлаштири олмаган, яъни белгиланган кредитларни тўплай олмаган талаба курсда қолди-риладиган ҳолларда, фақат қайта ўзлаштириладиган кредитлар учун тўловларни амалга оширади.

Кредит-модуль тизимида ўқитувчи-нинг ягона билим манбаси сифатида-ги роли камади, талаба ўқув жараё-

“ 2019 йил 17 июнда Президентимизнинг “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб университет микёсда кредит-модуль тизимини жорий қилиш назарда тутилган.

ни марказига қўнади. Таълим сифати-ни ошириш, ўқитувчиларда янги қўнк-маларни шакллантиришга эътибор қаратилади. Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустақам-лаш, талабаларнинг мустақил равиш-да билим олиш маданиятини шакл-лантириш масалалари долзарб бўла-ди. Дарслар сифатини ошириш тала-ба замонавий услублардан фойдала-нишга эҳтиёжини оширади. Бинар ва вебинлар дарслар ушбу масалада ёрдамчи бўла олади.

Бинар дарс деганда муайян мавзу-нинг икки ўқитувчи ёки ўқитувчи ва бир амалий соҳа вакили томонидан ҳам-корликда ўтилиши тушунилади. Бунда дарс берувчилар нафақат ўзаро, бал-ки аудитория билан ҳам мулоқотда бўлиб, мавзунинг ҳар томонлама қўриб чиқилишига имкон яратилади. Бинар дарслар муқоабл фикрларининг баён этилиши, баҳс-мунозара юритишнинг одоби шаклланиши, маълумотни фаолроқ қабул қилишга йўл очиши нуктаи назаридан самарали педагогик услубдир.

Вебинлар эса дарс, маслаҳат, суҳ-бат, тақдимот жараёнларининг интер-нет орқали онлайн равишда ўтказили-шидир. Унинг асосий хусусияти интер-фоалик бўлиб, реал вақт режимида ўзаро маълумот алмашми, уни тахил қилиш ва қайта ишлаш мумкин. Веби-нарлар жаҳон таълим тизимида кенг тарқалган бўлиб, хозирги пайтда Бу-роҳо давлат университетига ҳам хо-рижлик ҳамкорлар билан қўпгина он-лайн дарслар айнан вебинлар шаклида ўтказилмоқда. Масалан, жаҳон рейтинг-ларида юқори ўринларда турувчи Па-дуа университети (Италия), Валенсия политехника университети (Испания), Халт бизнес мактаби (Буюк Британия), Вател меҳмонхона ва туризм бизнес мактаби (Франция) ҳамда бошқа кўп-ла олий таълим муассасалари, шу-нингдек, Япония Туризм кенгаши, “Content Capital” (Малайзия) каби ташкилотлар билан вебинларлар дои-мий равишда йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда ҳам Болонья жараё-нининг айрим шартлари бажарилган. Мисол учун, бакалаврият ва магис-тратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизимига ўтилган. Навбатда-ги босқичда кредитлар тўплаш ва қўчиришнинг Европа тизимини қўллаш қоидалари, талабалар, педагог ва маъмурий ходимлар ҳаракатчанлиги-ни амалга ошириш механизмлари, миллий ҳамда тармоқ махкада тизи-лари (квалификация рамкалари) ишлаб чиқилмоқда.

Соҳа экспертлари Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилишини ижо-бий баҳолаб, у миллий олий таълим тизимининг жаҳон амалиёти билан уй-ғун ривожланиши ҳамда кадрлар тай-ёрлаш сифатини тубдан ажишлашга



Сурат “Халқ сўзи” фотожаммасидан олинди.

хизмат қилишини таъкидлашмоқда. Шунингдек, бу юртимизда бир қатор масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Жумладан, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий талабларига мос кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг Европа таъли-мига кириб боришларини енгила-штириш ва миллий таълим тизим-ларини ўзаро яқинлаштириш, халқро таълим маконига мутахассислар тайёрлаш даражасини тенглаштириш, кредит тизимини жорий қилиш ва та-лабалар дипломига умумевропа на-мунасидаги иловаларни бериш, олий таълим соҳасидаги фаолиятни давлат-лараро мувофиқлаштириш ва халқро ҳамкорлиқни мустақамлаш, таъ-

таълим” тушунчалари кўп қўлланил-моқда. Масофавий таълим ўқувчининг мустақил ишлаши, маъруза ва веби-нарларни томоша қилиши, топшириқ-ларни бажариши ва ўқитувчига узати-ши, ўқитувчи билан мессенжерлар ёки электрон почта орқали мулоқот қили-шига асосланади. Ушбу таълим тури мамлакатимиз олий таълим тизимида кенг қўлланилмоқда. Онлайн таълим эса масофавий таълимнинг мантиқий давомидир. Бунда ўқув машғулотири жонли эфирда олиб борилади, тала-балар таълим жараёнига тўғридан-тўғри боғланидилар. Бугунги кунда хар иккала таълим тури интернет платфо-раларида олиб борилаётганлиги, янги билимларнинг аудиторияда эмас, мо-нитор олдидан олинаётганлиги сабаб-ли улар мазмунан бир-бирига жуда яқиндир. Шу билан бирга, онлайн таъ-лим маълум курсларни тугатганлик тўғрисидаги сертификат бериш билан яқунласа, масофавий таълимда олий таълим бўйича дипломини ҳам қўлга ки-ришти мумкин. Масофавий таълим он-лайн таълимга нисбатан хар бир та-лабага индидуал ёндашувни йўлга қўйиш, унинг шахсий жадалини шакл-лантириш имкониятини бериши нуқ-таи назаридан ҳам устулликка эгадир.

Аслида масофавий таълим тизими янги кашфиёт эмас, унинг турли қўри-нишлари бир неча ўн йилдан бери мавжуд. Лекин жадал тарқайётб са-баб жуда тигиз ҳаёт режими, интер-нет технологиялари ҳаётнинг барча жабақсига кириб келиши, таълим ти-зимининг ривожланиши, шунингдек, айни пайтдаги каби фавқуллода вази-ятлар масофавий таълимни янада устувор қилмоқда. Статистик маълу-мотлар Россияда талабаларнинг 47,5 фоизи, Канадада 29 фоизи, АҚШда 28,4 фоизи, Туркияда 22,7 фои-зи, Хитойда 17,8 фоизи онлайн ёки масофадан таълим олаётганини кўрса-тади. Қўп-ла хориж мамлакатларида ушбу таълим турларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ўрта ҳисобда йиллик 10 фоиз атрофида ўсиб бормоқда.

Жаҳон иктисодий форуми маълу-мотларига кўра, коронавирс пан-демияси натижасида 186 мамлакат-да 1,2 млрд. мактаб ўқувчиси мактабга бора олмайяпти. Олий таълим муассасалари талабаларнинг 72 фоиз қисми уйда қолмоқда.

Пандемия онлайн таълимнинг аҳамиятини кўрсатиб бермоқда. Ушбу даврда тил ўрганиш дастурлари, вир-туал рақобарлик, видеоконференция ишланмаларига талаб кескин ошди. Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг ўзида таълимнинг техник таъминоти-га йўналтирилган инвестициялар жа-ҳон бўйича 18,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, онлайн таъ-лим бозорининг ҳажми 2025 йилга бориб, 350 млрд. АҚШ долларига етиши тахмин қилинмоқда. Тадқиқот-лар, талабалар онлайн таълим олган-ларида аудиториядаги таълимга нис-батан 25 — 60 фоиз кўпроқ матери-ални ўзлаштириш олганликларини, бу-нинг учун 40 — 60 фоиз камроқ вақт сарфлаганларини кўрсатмоқда. Чун-ки таълимнинг ушбу турида талаба ўз таълим тартибини ўзи шаклланти-риши, маълумотларни ўзига маъқул шароитда ўзлаштириши мумкин бўлади.

Олий таълим жараёни мутлақо ян-гича мезонлар асосида йўлга қўйи-лаётган бугунги кунда ушбу соҳага маъқул бўлган хар бир шахс зим-масидаги масъулият ўн чандон ортмоқ-да. Жумладан, олий ўқув юртлари фаолиятига халқро олий тахриба-ни, жумладан, кредит-модуль тизи-мининг таътибқ этишда замонавий би-лим ва тахриба талаб этиляпти. Шун-дан келиб чиқиб, фаолиятимизни ян-гича талаб ва ёндашувлар, хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этишимиз керак. Зотан, жорий Илм, маърифат ва рақамли иктисодийни ривожлантириш йилида олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳам шу.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 906 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.